



ҚАБИҲЛИК...

Ёзишга ҳам қўлинг бормайди

ОНА. Бу сўзни тилга олганимизда кўз ўнгимизда гўдагини ҳаттоки сокин эсаётган шабададан ҳам ҳимоя қилиб бағрига босиб турган мунис аёл, мактабга кетаётган боласининг оёқ кийимларини кийдириб, қучиб кузатиб қўяётган меҳрибон она, кечаси ухلامасдан халтачалар тикиб уни чақилган данагу майизларга тўлдириб аскар ўғлига ёки талаба қизига илинаётган мушфиқ аёл ёки ишдан кеч қайтган фарзандини мижжа қоқмай кутиб ўтурган дуоғўй она гавдаланади.

Минг афсуски, ана шу буюк сиймолар номига ўзининг қабих ишлари билан доғ тушираётган опа-сингилларимиз ҳам бор.

Хоразмлик Маржона ва Нозим (исмлар ўзгартирилган) шаръий никоҳдан ўтиб оила қуришди. Орадан ойлар ўтиб уларнинг фарзанди Машхурбек дунёга келди. Шундан сўнг улар ўз ризқини қидириб Тошкентга келишди. Нозим қурилишда, Маржона эса кафедра ишлай бошлади. Машхурбекка ижара уй эгаси энагалик қилди. Эр-хотиннинг топгани рўзғорини бутлашга

етиб турарди. Энг муҳими, оила аъзолари жамулжам эди.

Маржона одатдаги иш кунларининг бирида Шаҳло исмли аёл билан танишиб қолади. Улар тезда тил топишиб, бир-бирига яқиндек бўлиб кетишади. Орадан кўп ўтмай Маржона Шаҳлога ўз фарзандини сотиш фикрини айтиб қолади. Шаҳло бунинг сабабини сўрагандек бўлади. Шунда Маржона каттароқ тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи эканлигини, шунга пул керак бўлиб турганлигини баён қилади.

Болага харидор ҳам топилди. Уни Шаҳлонинг ўзи сотиб олишини айтади. Маржона ва Шаҳлонинг ўртасида эндигина бир ёшни қаршилаган Машхурбекнинг савдоси бошланади. Маржона ўғлини 2000 АҚШ долларига баҳолайди, Шаҳло эса пастроқ нарх қўяди. Хуллас, ёш гўдакнинг баҳоси 1000 АҚШ долларига келишилади.

Орадан икки-уч кун ўтгач Маржона ўғлини олиб келишилган жойга боради, Шаҳло эса айтилган пулни олиб келади. Машхурбек Шаҳлога, 1000 АҚШ доллари эса Маржонанинг қўлига ўтади. Айни шу вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари уларни қўлга олади...

Суд Маржонага оиласини тиклаш учун имконият берди. У суд залидан қамоқдан озод қилиниб, унга икки йил синов муддати берилди.

Хулоса ёзишга қўлим бормади. Шу боис, хулосани ҳар кимнинг ўзи чиқарсин!

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири